

**Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
2-курс “Тасвирий санъат тарихи ва
назарияси” мутахассислиги магистранти
Асалхон Раҳматуллаева**

Миниатюра рангтасвирида Бехзод анъаналари

Давлат санъат музейининг Ўзбекистон халқ амалий безак санъати, Ғарбий Европа, хорижий Шарқ ва Россия санъати бўлимларида кўплаб миниатюралар мавжуд. Уларни турли йўналишлар – мавзуси, жанри, мактаблари, муаллифлари, музейга келиб тушиши ва қабул қилиниши бўйича, ундан ташқари амалий санъат ва тасвирий санъат асарлари сифатида туркумлаб ўрганиш мумкин.

Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод Шарқ миниатюрасига кўпгина янгиликларни олиб кирди. Жумладан, композицияга пейзаж, портрет жанрини биринчилардан бўлиб киритди. Ўз асарларида мутаносибликни очиб бера олди. Эътибор берилса, олдинги пландаги фигуралар орқадагиларга нисбатан бир оз катта қилиб чизилганлигини кўриш мумкин. Шунинг ҳисобига у асарларида бўшлиқни, маконни кўрсата билди. Мусаввир **динтих** - икки томонлама кўрсатилган композицияга асос солди. У ўз асарларидаги тасвирларни умумий уйғунликка келтирди. Рангларни юмшоқроқ, тинчроқ кўринишда беришга ҳаракат қилди. Уларнинг тасвирланаётган буюмлар билан мослашувига эътибор берди. Ижодкор миниатюраларида воқеа-ҳодисаларнинг ўтаётган пайтини иш жараёнини, ҳаракатни тасвирлашга интилади.

Бехзод ижодининг кўп қисмини портрет жанридаги миниатюралар ташкил этади. Аввалари портрет миниатюрада алоҳида жанр бўлмаган. Мусаввир эса биринчилардан бўлиб шахс хусусиятларини, характерини очиб берди, лекин бу билан у миниатюра ранг-тасвир қонунларидан четга чиқиб кета олмади. Бехзод ижодининг камолотида инсон образи тасвири, уни

ҳаракатда бериш, мўъжаз санъат имконидан тўлиқ фойдаланган ҳолда уларнинг хусусиятларини, ички дунёсини бера олишга эришди. У илк маротаба подшоҳни шоҳ эмас, одам сифатида тасвирлай олди. Масалан, Султон Ҳусайн Мирзо тасвирида унинг юз тузилишини қандай бўлса шундай кўрсатмаган, султон жуда бақувват, жасур эди. Унинг таҳаллуси Ғазур Хақий бўлиб, кўп асарлар ёзган, лекин маишатни, майни ёқтирган кимса бўлиб, кийимларига безътибор бўлган.

Беҳзод Султон Ҳусайнни сарой аҳли билан, яшил рангдаги кийимда, бошида тож билан тасвирлайди. Қолган сарой аъёнларини уларнинг либослари ёки бошқа деталлар орқали ажратиб кўрсатади. Бундан ташқари Беҳзод асарларидаги айлана композиция кўп фигурали тасвирларни кўрсатишга ёрдам беради. Худди шундай кўринишни биз музейдаги XIX асрга тегишли Эрон мактабига хос бўлган миниатюрада учратамиз. Бу асар машҳур “Шоҳнома” мавзусига бағишланади. Миниатюранинг чап томонидаги тахт устида яшил ранг тўнда шоҳ Сулаймон ўтирибди. Қадимги Шарқ ҳикояларида машҳур бўлган, 18 минг оламда яшаётган мавжудотларнинг ҳатто инсу жинсларнинг тилини тушуниб, уларни бошқарган бу улуғ подшоҳ қадди-қомати миниатюрада ҳам салобатли ва салоҳиятли берилган. Унинг юзида оқ ниқоб, бошида гардиш ва қўлида қилич ушлаган ҳолда кўрсатилган. Тахтни эса иккита шайтон кўтариб турибди. Миниатюранинг олдинги планида ҳайвонлар тасвирланган. Тепада уч нафар аёл тўнда ва тилларанг тож билан кўрсатилади.

Музейдаги портрет жанрига хос бўлган яна бир асарнинг муаллифи номаълум бўлишига қарамай, катта аҳамиятга эгалигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу миниатюра-иконка бўлиб, шиа мазҳабига хосдир. Аслини олганда Камолиддин Беҳзод ёки ўрта асрлик бошқа мусаввир ижодидан ўрин олган миниатюрада инсон юзининг тасвири аниқ-равшан қилиб берилади. Лекин, ислом динида инсон шаклини ва тасвирини чизиш мумкин бўлмаган, бу машғулот дин томонидан қаттиқ таъқиб қилинган. Диний авлиё ёки пешволар юз-чеҳрасини тасвирлаш эса қатъиян ман этилганлигини инобатга

оладиган бўлсак, ушбу миниатюра-иконкада ҳам бу нарса акс этганлигини кўриш мумкин. Тасвирда авлиё Али кўлида қилич билан ўтирибди. Унинг юзи тасвири ўрнида бўш овал, чехра умуман тасвирланмаган, бошининг устида олтин гардиш, юқориқдаги бурчакларда қизил рангли араб ёзувлар – тўртбурчаклар берилган. Улар 16 та бўлакчаларга – майда тўртбурчакларга бўлинган ва ҳар бир катак диагонали бўйича араб ёзувлари билан қаторчалар чизилган. Авлиёнинг ёнбошидаги патнис типдаги тўлқинсимон медальонлар ички томони қизил араб ёзувлари билан ишланган. Алининг оёғи тагида унинг икки нафар ўғиллари: Ҳасан ва Ҳусайнлар ўтиришибди. Уларнинг ҳам юзлари тасвирланмаган ва яшил бош кийимда кўрсатилган.

Миниатюрадаги ҳар бир инсон тасвирининг ҳошиялари майда араб ёзувлари билан безалган. Тасвир атрофидаги рамка ҳам қора тушъ билан ёзилган қиясига кетган майда араб шрифтидан иборат. Миниатюра тепасида ёки пастида бундай ёзувлар бўлиши ҳам Беҳзод ижодидаги Шарқона хусусият ва ўзига хосликдан биридир.

Камолиддин Беҳзод жанг-батал, сарой жанрларида жонли ҳаётни, ўз ижодида халқнинг ҳаётини, илк маротаба ижтимоий табақани ҳам кўрсатишга эришди. Музей заҳирасида нафақат портрет жанридаги миниатюралар, балки манзара, уруш-батал жанри, маиший, лирик-севги мавзуидаги асарлар ҳам бир қанча бўлиб, уларни Беҳзод миниатюралари билан солиштириб, жуда кўп ўхшашлик ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириш мумкин. Асарларни алоҳида туркумлаб ўрганиш кўп изланишларни талаб этади.

Мусаввир ўз асарларида фақатгина тасвирга эмас, ёзувларга ҳам катта эътибор қаратган. Беҳзоднинг бизгача етиб келган асарларининг кўпларида имзо қўйилмаган. Шунга қарамай унинг мўйқаламига мансуб миниатюраларидан ишларига қай тарзда имзо қўйганлигини айтиб ўтиш мумкин. У кўпроқ чизган расмлари, айниқса портретларининг пастки қисмига ўз номини ёзиш орқали имзо чеккан. Масалан:

“Султон Ҳусайн Мирзо портрети”да миниатюра тагига “Тасвири Султон Ҳусайн Мирзо - Бехзод”, куйида “*Ал-фақир Бехзод*” деган имзони кўриш мумкин. Ёки Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сининг бошқа нусхасига ишланган миниатюра тагида “*Бехзод*” деб ёзилган бўлса, бошқа асарларида “*Пир Ғулом Бехзод*”, “*Амали устод Бехзод*” деган имзолар бор. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Булардан шуни англаш мумкинки, Бехзод ўз асарларида тасвирланаётган воқеа-ҳодисани тушунтиришга ёрдам берувчи ёзувларни ҳам қолдирган. Портретларининг юқори қисмида кимнинг портрети тасвирланганлигини кўрсатувчи, пастки қисмида эса ўз номини қўйиб имзо чеккан. Эътибор бериб қарасак, унинг ҳар бир миниатюрасидаги имзолар турли кўринишларда ёзилган. Бунга сабаб мусаввир фақатгина ишлаган асарига эмас, балки имзо қайси кўринишда қўйилишига ҳам катта эътибор қаратган.

Юқорида кўриб ўтилган миниатюралар турли муаллифлар томонидан турли даврларда ишланган. Ҳар бир асар муаллифи албатта ўзининг санъат дурдонасини давр муҳитидан келиб чиқиб, ўша давр руҳини беришга интилан ҳолда яратган. Миниатюранинг ғоявий мазмунига катта аҳамият қаратган. Умуман олганда Шарқ миниатюраси Европа ёки Россия ранг-тасвир асарларидан ўзининг нозик композицияси, табиат тасвирининг ёрқин рангларга бойлиги, инсонлар, айниқса аёллар тасвирида уят, шарм-ҳаё каби фазилатлар тасвирининг кучлилиги ва гўзал шарқона оҳанги билан ажралиб турадики, уларнинг бадиий аҳамияти ҳам шундадир. Уларга қараб ўзбек халқининг ўзига хос алоҳида хислатларини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам хориж мамлакатларида бизнинг миниатюраларга бўлган эҳтиёж ортса-ортадики ҳеч қачон камаймайди.

Юқоридаги фикрлардан шундай бир хулосага келиш мумкинки, 550 йил олдин таваллуд топган буюк миниатюрист Камолиддин Бехзоднинг ижодига хос бўлган шарқона ва миллий анъаналар орадан V аср ўтса ҳам ўз тарафдорлари ва издошларига эгадир. Умуман олганда музейда сақланаётган ҳар бир миниатюра у ҳох Бухоро, ҳох Эрон миниатюра мактабига хос

бўлсин, ўзининг жозибадорлиги, моҳир миниатюристлар берган зеб-зийнат ва сайқалланган жилвадорлиги билан умуман санъат ихлосмандларини, ва айниқса миниатюра шайдоларини ҳали анча вақт лол этиб келади ва ҳайрон қолдиради. Камолиддин Бехзод асос солган Шарқ миниатюраси тамойиллари тизими бугунги кунда Шарқда ва Ғарбда машҳур бўлган миниатюралар мактаблари ва уларнинг ривожланишида буюк тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтмишдаги миниатюристлар чизган асарлардаги ранглар эса бугунги кундаги йирик рассом ва мўйқалам усталарини ҳали ҳанузгача топа олмаётган сирли жумбоғи бўлиб қолмоқда.

Илмий ишлар бўйича проректор

Илмий раҳбар

Г.Қаршиева

Р.Фатхуллаев